

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши
№ 105 (1109)
27
МАИ
СЕШАНБА
1958 йил
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Жатта тайёргарлик

«Ташсельмаш» заводнинг коллективи республика инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторлари съездида эъри тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда учта выставка ташкил этилмоқда.

Съезднинг ялпи мажлислари бўладиган бинода машинасозлар юк ташин процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги темирчилик-пресс ва куёв цехларида илгор технологияни жорий этиш соҳасидаги, деталларни пайвандлаш ва йиғин соҳасидаги ютуқларини намоиш қилиб кўрсатилди.

Ленин номи майдонда ташкил этиладиган ва ҳамма корхоналар қатнашадиган выставкада ташсельмашчилар ўзлари тайёрлаган пахта терин машиналарини,

трактор, «В-10» маркали гаала тозалагич машинасини, завод ичида юк ташидиган автоподемникни ва бошқа механизмларни кўрсатилди. Шу ерга завод ишлаб чиқарётган синкальцит блокларида қурилган уйнинг фрагменти, шундай бокдан қурилган уйнинг тайёр хонаси ҳам кўйилди.

Съезднинг машинасозлик секцияси «Ташсельмаш»нинг клубида мажлис қилади. Бу ерда делегатлар рационализаторларнинг ижодий ютуқлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва ўзларнинг муваффақиятлари, заводнинг илгор участкаларида меҳнатнинг ташкил этилиши билан таништирилади.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сийсий Маслаҳат Комитетининг Кенгаши ҳақида АХБОРОТ

1958 йил 24 майда Москвада дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сийсий Маслаҳат Комитетининг Кенгаши бўлди.

Сийсий Маслаҳат Комитетининг Кенгашида вакиллар сифатида қуйидагилар қатнашдилар:

Албания Халқ Республикасида — Министрлар Советининг Раиси Мехмед Шеху, Албания Меҳнат Партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Анвар Хўжа, Ташки ишлар министри Бехар Штёла, Албания Халқ Республикаси Халқ армияси Бош Штабнинг Бошлиғи генерал-майор Ариф Хаско;

Болгария Халқ Республикасида — Министрлар Советининг Раиси Антон Югов, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Тодор Живков, Ташки ишлар министри Карло Луканов, Миллий мудофаа министри армия генерали Петр Панчевский;

Венгрия Халқ Республикасида — Давлат министри ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар, Ташки ишлар министри Эдире Шик, Мудофаа министри генерал-полковник Геа Ревес;

Германия Демократик Республикасида — Министрлар Советининг Раиси Отто Гротеволь, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Вальтер Ульбрихт, Миллий мудофаа министри генерал-полковник Вилли Штоф, Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Бруно Лейшнер, Ташки ишлар министрининг Ўринбосари Отто Виннер;

Польша Халқ Республикасида — Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Владислав Гомулка, Ташки ишлар министри Адам Рапацкий, Миллий мудофаа министри генерал-полковник Мариан Спихальский;

Руминия Халқ Республикасида — Министрлар Советининг Раиси Киву Стойка, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Георге Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Эмиль Боднараш, Ташки ишлар министри Аврам Буачиу, Қуролли кучлар министри генерал-полковник Леонтин Селэжан;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Министрлар Советининг Раиси ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрущев, Ташки ишлар министри А. А. Громико, Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский;

Чехословакия Республикасида — Ҳукумат Раиси Вильям Широкий, Ташки ишлар министри Вацлав Давид, Миллий мудофаа министри генерал-полковник Богумир Ломский.

Кузатувчилар сифатида Хитой Халқ Республикасида — Давлат кенгаши Бош Министрининг Ўринбосари Чень Юнь, Давлат кенгаши Бош Министрининг Ўринбосари Ли Фу-чунь қатнашдилар.

Мажлисларда Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Антон Югов раислик қилди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртасида уларнинг умумий манфаатларига тааллуқли барча муҳим халқаро масалалар юзасидан маслаҳатлаштириш кўзда тутилган Варшава Шартномасининг 3-моддасига мувофиқ, Маслаҳат Комитетининг Кенгашида ҳозирги халқаро аҳвол тўғрисида фикр олишилди. Сийсий Маслаҳат Комитети Кенгашида қатнашувчи социалистик мамлакатларнинг халқаро аҳволга баҳо беришда ҳам, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун қурашда уларнинг умумий вазифалари соҳасида ҳам тамомилла яқин эканликлари- нини мамнуният билан қайд қилди. Сийсий Маслаҳат Комитети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Декларациясини бир овоздан қабул қилди. Бу Декларация матбуотда эълон қилинади.

Сийсий Маслаҳат Комитети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучлари Бош қўмондонини Совет Иттифоқи Маршали И. С. Коневнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг қуролли кучларини яна қамайтириш тўғрисидаги ва совет қўшинларини Руминия Халқ Республикаси территориясидан олиб чиқиш кетиш тўғрисидаги докладыни тинглади.

Совет Иттифоқининг ўз қуролли кучларини 1958 йилда қўшимча равишда 300 минг кишига қамайтириши билан бир қаторда (бу тўғрисида хабар берилган эди), Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўз қуролли кучларини илгари анча қамайтиргандликлари устига 1958 йилда қуролли

кучларни жами 119 минг кишига яна қамайтиришга, шу жумладан Руминия Халқ Республикасида 55 минг кишига, Болгария Халқ Республикасида 23 минг кишига, Польша Халқ Республикасида 20 минг кишига, Чехословакия Республикасида 20 минг кишига, Албания Халқ Республикасида 1 минг кишига қамайтиришга қарор бердилар. Шундай қилиб Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар 1958 йилда ўз қуролли кучларини 419 минг кишига қисқартадилар.

Сийсий Маслаҳат Комитети Совет Иттифоқи Ҳукуматининг Варшава Шартномасига мувофиқ, Руминия Халқ Республикаси территориясида турган совет қўшинларини яқин вақт ичида унинг территориясидан олиб чиқиш кетиш тўғрисидаги таклифи- ни маъқуллади. Бу таклиф Руминия Халқ Республикаси Ҳукумати билан келишилган.


Совет Ҳукумати Венгрия Ҳукумати билан келишиб, Венгрияда бўлган совет қўшинларини 1958 йилда қўшимча равишда бир дивизия ҳисобида қисқартишга ва бу дивизияни Венгрия территориясидан олиб чиқиш кетишга қарор берди.

Сийсий Маслаҳат Комитети Совет Ҳукуматининг бу қарорини маъқуллади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучларининг фаолиятига оид баъзи ташкилий масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

Сийсий Маслаҳат Комитети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОда аъзо бўлган давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида Пакт тузиш ҳақидаги таклиф билан Шимолӣ Атлантик шартномаси (НАТО) да аъзо бўлган давлатларга мурожаат қилишга қарор берди. Ҳужум қилишмаслик тўғрисидаги ана шу Пакт проектининг тексти алоҳида эълон қилинади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сийсий Маслаҳат Комитети Кенгашининг иши ўз кучларини халқаро кескинликини юмшатишга, барча давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик вазиятини вужудга келтиришга, тинчликни янада мустаҳкамлашга сафарбар қилаётган социалистик мамлакатларнинг тамомилла бирлигини, бузилиш қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини намоиш қилиб кўрсатди.



Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен

Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен 1900 йил 3 сентябрда Куопио губерниясининг (Шарқий Финляндия) Пиславеси шаҳрида туғилди.

У. Кекконен 1926 йилда Хельсинки университетининг юридик факультетини тамомлади. 1928 йилда юридик фанлар кандидати деган илмий даража олди. У. Кекконен 1936 йилда юридик фанлар доктори илмий даражасини олмоқ учун диссертация ёзди.

У. Кекконен 1930 йилнинг бошидан бўён Финляндиянинг сийсий ва ижтимоий ҳаётида актив қатнашиб келмоқда. 1936 йилда у биринчи марта Аграр иттифоқи партиясидан парламент депутатлигига сайланган эди ва шундан бошлаб то 1956 йил февраль ойида Президент лавозимига сайланганга қадар Финляндия парламентининг депутаты бўлиб келди.

У. Кекконен 1946-1947 йилларда Финляндия парламенти раисининг биринчи ўринбосари, 1948-1950 йилларда парламенти раис бўлди.

У. Кекконен бир неча марта Финляндия Давлат кенгаши (ҳукумати)нинг аъзоси бўлиб келди ва бош министр сифатида унга бошчилик қилди.

У. Кекконен 1936 йилда юстиция министри қилиб, келгуси, 1937 йилда эса ички ишлар министри қилиб тайинланди. Шу вазифада турган вақтда, 1939 йилда у фашистлар таъсири остидаги фин партияси — «ИБ»ни тақдирлаш ташаббускорни бўлиб чиқди.

У. Кекконен 1940-1943 йил ўртасидаги даврда кўчманчиларнинг таъминоти масаласи билан шуғулланди.

1944 йилда яраш битими тузилгандан кейин У. Кекконен Паасикиви ҳукуматига юстиция министри бўлиб кирди. У бу вазифада, жумладан мамлакатда мавжуд бўлган фашист типидagi ташкилотларни тарқатиб йорбуршта раҳбарлик қилди. Бу ташкилотларнинг фаолияти 1944 йил 19 сентябрдаги Яраш тўғрисидаги битимга мувофиқ тақдирлаб қўйилган эди.

1950 йил март ойидан 1956 йил февраль ойигача У. Кекконен Финляндия ҳукуматига қарийб узлуksиз равишда бошчилик қилди ва айрим министрлик вазифаларини ингил қилиб келди. 1956 йил февраль ойида У. Кекконен Финляндия Республикасининг Президенти қилиб сайланди.

У. Кекконен — Финляндиянинг шимолӣ районларини индустриалаштириш тўғрисида 1952 йилда эълон қилинган наиянинг авторидир. Президент У. Кекконен Ю. К. Паасикиви билан бир қаторда Финляндияни урушдан кейинги тинчлик севар ташки сийсат юргүзish йўлининг асосини ҳисоблайди. Бу йўл «Паасикиви—Кекконен йўли» деган ном билан машҳурдир.

У. Кекконен турли расмий вазифалар билан Совет Иттифоқига бир неча марта келиб кетган. У 1948 йилда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет—Финляндия шартномасини тузиш билан боғлиқ бўлган музокараларда қатнашди. Бу шартнома СССР билан Финляндия ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси бўлди. У. Кекконен Москвада ўтказилган Совет—Финляндия музокараларининг қатнашчиси эди, бу музокаралар натижасида мазкур Шартноманинг мўддати йитирига йилга узайтирилди ҳамда Совет Иттифоқи изарага олиб турган Порккала — Удд территорияси Финляндияга муддатилан олдин қайтариб берилди.

Президент У. Кекконен совет ва фин халқлари ўртасидаги муносабатларда бўлган илгартиги ипновсизлигини битириш ҳамда чинакам дўстлик муҳити вужудга келтириш учун кўп меҳнат сарфлади. У. Кекконен ўн йилдан кўпроқ вақт давомида «Финляндия-Совет Иттифоқи» Жамияти правлениесининг аъзоси бўлиб келди. Шу йил апрель ойида у бу жамиятнинг фахрий раиси қилиб сайланди.

Финляндия Республикасининг Президенти УРХО КАЛЕВА КЕККОНЕН ЛЕНИНГРАДДАН ЖУНАБ КЕТДИ

ЛЕНИНГРАД. 26 май. (ТАСС). Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен жанабул унинг СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Олий Совети Президенти Леонидинг аъзоси И. В. Спирidonов, Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси И. И. Смирнов, Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Смирнов, Ленинград халқий округи кўшиналари кўмондон армия генерали Н. И. Кривош, Ленинград халқий-донгиз районининг кўмондон адмирал И. И. Байков ва бошқа расмий кишилар, шунингдек матбуот ва радио вакиллари аэродромнинг кенг майдонига келишди.

Вақт жуда эрта бўлишига қарамай, Финляндия ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган кенг Москва проспектининг ҳар иккала томонига жуда кўп ленинградликлар тўпланишди. Улар жўнаб кетаётган аъли меҳмонни ва дўст қўшини мамлакатининг бошқа вакиллари самимий табриклашди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатларнинг ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси Ҳукуматлари Варшава Шартномаси Ташкилотининг асосий вазифаси бўлган Европада тинчликни таъминлаш ва давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлигини ривожлантириш манфаатларига амал қилиб, вужудга келган халқаро аҳволни муҳофаза қилиш ва халқаро кескинликини юмшатиш соҳасида биргаликда қўйилган янги талбирларни ишлаб чиқмоқ учун 1958 йил 24 майда Москва шаҳрида Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган мамлакатлар Сийсий Маслаҳат Комитетининг Кенгашини чақирдилар.

Хитой Халқ Республикаси юборган Кузатувчининг ҳам иштироки билан ўтказилган фикр оlishув Кенгашида вакиллари қатнашган ҳукуматларнинг халқаро вазиятга баҳо беришда ҳам, тинчликни мустаҳкамлаш йўллари тўғрисида ҳам яқин эканликлари тасдиқланди.

Социалистик лагер мамлакатларининг ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув ялпили асосида халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун, низоли масалаларни давлатлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш учун, эъри бериб қурол-ланлишни тўхтатиш ва атом урушини хавфсини йўқотиш учун тинимсиз олиб бораётган курашни жаҳондаги ишларнинг аҳволига тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Кенгаш қатнашчилари шуни мамнуният билан қайд қилишлари, ҳозирги кунда фақат социалистик мамлакатларини эмас, шу билан бирга, Осиё ва Африкада асрий мустанама қарамилтидан қўтилган мамлакатларнинг кўчилиги ҳам тинчликни мустаҳкамлаш фойдасига ҳаракат қилмоқда. Фарбий Европа, Америка ва бошқа қитъалардаги мамлакатларнинг халқ омиси ва нуфузли жамоатчилик доиралари, меҳнаткашларнинг талабларига қўлоқ солаётган кўпгина партиялар ва қасба сомаилари, фан ва маданият арбоблари, лин аҳдлари, турли сийсий масаладаги кишилар ҳам тинчликни ёқлаб чиқмоқдалар. Бештақлик сийсатини ўтказётган давлатлар ҳам тинчлик учун курашга ўзларининг ижобий ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Халқаро воқеаларнинг ривожлани-

ши шу нарсани қайта-қайта тасдиқлаб беришдаки, саккиз социалистик давлатнинг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашини тўғрисида бунадан йил муқаддам имзолаган Варшава Шартномаси шу давлатлар халқларининг ҳавфсизлигини ва мустақиллигини мустаҳкам муҳофаза қилишга қолмасдан, шу билан бирга, фарб давлатларининг ҳарбий гуруҳлари томонидан ва, биринчи навбатда, Шимолӣ атлантик блок томонидан тинчлик ишига душманликини кўзлаб қилинаётган ҳатти-ҳаракатининг йўлини тўсувчи қудратли фактор ҳам бўлиб қолади.

Фарб давлатларида ва, аввало, АҚШда ўз сийсатини «совуқ уруш» ва халқаро кескинликини давом эттириш билан мустаҳкам боғлаб қўйган доиралар аўривонлик позициясига таянувчи сийсатини ўтказишга ва халқларнинг ўз турмушларини ўз хоҳишларига қуришларига ҳалқид беришга аввалликке иттилоқмоқдалар. Улар ялпи қирғин келтирувчи ядро воеитларини ишлаб чиқариш ва тўлаш кенгайтириб борилаётганлиги сабабли, айниқса ҳаттарли тус олаётган эъри бериб қурол-ланли тинимсиз давом эттиришлар, ёташнинг учун жаобгардилар. НАТОда қатнашувчи мамлакатлардаги халқлар устига ҳарбий харажатларнинг қалдан ташқари оғир юки ортиб қўйилди. Фақат НАТОнинг расмий маълумотларига қараганда, шу блокда қатнашувчи мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари 1957 йилда 1950 йилгига нисбатан уч баравар ортиқроқ бўлди. НАТО мамлакатлари 1950-1957 йилларда ҳарбий тайёргарликларга ҳаммаси бўлиб 400 миллиард доллардан кўпроқ маблаг сарфладилар.

Ҳозирги вақтда НАТОнинг ҳарбий оргналарида шу мамлакатларнинг қуролли кучларини ва ҳарбий харажатларини қўлайтиришнинг янги йиллари ишлаб чиқилмоқда. НАТО ҳарбий министрларининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган кенгашида эса, НАТОнинг америкалик бош кўмондон ихтиёридаги қуролли кучларини қилиб баравар қўлайтириш тўғрисида гап борди. Сўнгра, шу нарса маълумки, НАТОнинг доимий кенгаши шу йил 1 майда Шимолӣ атлантик блокнинг атом қуролига ҳозирги вақтда эга бўлмаган қатнашчиларини атом қурол билан қуроллантиришнинг кўзга тутувчи қарор қабул қилди. НАТО қатнашчилари бўлган бир қалча мамлакатларнинг — Англия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари аҳолининг қатъий норо-

нисоният қунарларан бир кун ракета- атом уруши гирдобига тушиб қолиши мумкин.

Шу нарсани мамнуният билан қайд қилмасдан ўтиб бўлмайдик, НАТОда қатнашадиган давлатларнинг баъзилари шу гуруҳдаги етакчи давлатлар ўтказётган атом урушини қўлайтириш билан атом қурол билан йўналиш йўли қасбқа олиб бораётганлигини аниқлаб, анча хушроқ позицияга ўтмоқдалар, бу эса халқаро кескинликини айниқса Европада юмшатиш ишига муайян ижобий ҳисса бўлиб қўйишмаслиги мумкин эмас. Бу—ҳатто, агрессив ҳарбий гуруҳлар беришга ва шу гуруҳларнинг ташаббусчилари бу гуруҳларда қатнашувчи бошқа давлатларга эъри- лаб мажбурятлар юклагандликлари- га қарамай, Европадаги вазиятни юмшатиш ва халқаро кескинликини қамайтириш ишига ҳали фойдаланилмаган имкониятлар борлигини кўрсатувчи мисолларнинг биридир.

Водород ва атом қуролнинг ҳамма турларини сийсатини Совет Итти- фоқининг бир ўзи тўхтатганидан кейин ҳам Тинч океанда ядро бомбаларини портлатиб, янги синовлар ўтказган АҚШ ва Англия ҳукуматлари халқларининг ҳарбий ҳавф қамалди ва атом билан эъри бериб қурол- ланлиш тўхтатилди, деган умидларига оғир зарба берилди. Бу портлатишлар атом урушини тайёргарликка хотима бериши ва бу хавфни йўқотиш йўлида реал қадамлар қўйиш талаб қилаётган халқларнинг мамлакатлари билан АҚШ ва Англия ҳукуматлари нақадар кам ҳисобла- шётганликлари кўрсатди.

Кенгаш қатнашчилари АҚШ, Англия, Франция ва бошқа мустанамла- қачи давлатлар ҳукуматларининг Осиё ва Африка мамлакатларининг ички ишларига аралашини ақинда- гина миклий мустақиллиги йўлига тушиб олган мамлакатларини муста- лакачилар қўлига яна батамом топ- тириб қўйишга тайёр турган ва ўша мамлакатларнинг халқларига бутунлай ёт бўлган режимида ва ҳукумат- ларини тиклаш йўлидаги уринишлари тўхтовсиз давом этаётганлиги муно- сабаби билан ўзларининг жиддий ташвишланиётганликлариини изҳор қилишди. Индонезияда, Жапонда, Ливанда, Яманда ва Уммонда қурол- лар ва замбараклар гумбирлаб турган экан, ватапаварларнинг қони тўкилиётган экан, бунинг учун ўша империалистик доиралар айбдорки, НАТО, Бағдод пакти ва СЕАТО таш- килотлари шу империалистик доира- ларнинг сийсатини ўтказмоқдалар ва шу империалистик доиралар бошқа

„Шон-шухратларимиз сатрлари“

Ленинград Давлат астрадаси артисти Пётр Грачев совет баучиларининг оммавий асарларини ижро этиш соҳасида катта шухрат қозонган талантли санъаткорлар.

Артист ҳар бир номини тайёрлаётганда уларга ижодий ёдолиб, доим оригиналликка интилади, унинг жўшқин ва таъсирли бўлиб чиқишига уринади. Артистнинг Топкентдаги Свердлов номи концерт залидан берган «Шон-шухратларимиз сатрлари» деб аталувчи адабий концерти мароқли ўтди.

Санъаткор шоир В. Маяковскийнинг жаҳон пролетариатининг улут доҳиси В. И. Ленинга бағишланган поэмасини маҳорат билан ижро этмоқда. Поэмадаги сатрлар афр кўтаринки руҳда, оҳангдор ва салобатли жарангайди.

Демьян Бедныйнинг «Ассосий кўча» асарини артист П. Грачев ижросида тингловчи кишига катта заъв бағишлайди. Совет кишиларининг ироласи ва ижодкорлик раёратини узгучовчи бу асардаги илҳомбахш мисралар янада баландроқ эшитилди.

С. Есенин, А. Безменский асарларидан илгари сурилган гоҳлар артист ижро этган «26», «Трагедияли кеча» номерларида яққол акс эттирилгандир.

Атқоли совет шоирларининг ишар ва поэмалари бирин-кетин ўқилди. П. Грачев, Н. Тихонов, А. Сурков, К. Симоновларнинг жанговар эпизодлар ҳақидаги пафосли асарларини афр маҳорат билан ижро этиб, уларнинг воқеабанд бўлишига ҳаракат қилди, асар характериға мос келувчи ҳаракат ва миникалар топади.

«Шон-шухратларимиз сатрлари» адабий концерта Ленинградлик кўшмчи санъаткорлар ҳам катта маҳорат кўрсатдилар.

А. АЛИЕВ.

Халқ артисти Обид Жалиловнинг юбилеи

26 майда Ҳамаа номи ўзбек академик драма театрида Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Обид Жалилов туғилган кунининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллиги муносабати билан унинг юбилеи ўтказилди.

Обид Жалилов Ўзбек совет театрининг асосчиларидан биридир. У Ҳамаа номи театрга кирк йиллик ишлари давомида драматургия классикаларининг асарларида, совет ва чет эл баучиларининг пьесаларида юздан ортиқ ролни ижро этди. Ўзбекистон пойтахтидаги жамоат ташкилотлари, ижодкор коллективларнинг вакиллари, у билан бирга ишлаб келётган ўртоқлари юбилейини самимий табриклидилар. Юбилей номига Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан кўпгина табрик телеграммалари олинди. (ЗТАГ).

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Чўнтак радиотелефони

КўЧАДА КЕТАТУРИБ НЬЮ-ЙОРК, ПРАГА, ВАРШАВА, КИЕВ ВА БОШҚА ШАҲАРЛАР БИЛАН ГАПЛАШИШ МУМКИН!

Ўтган дам олиш куни Ленинскии горидаги пардада сайр қилиб юрган москваликлар қора костюм кийган йигитга ҳайратланиб қарар эдилар. У қўлида унча катта бўлмаган телефон дискаси ўрнатилган қора кўтичани тутиб турарди.

Бу йигит тўпланганларга кўчма радиотелефони бемалол чўнтакка солиб юриш мумкинлигини кўрсатди. Кўчма радиотелефоннинг оғирлиги ҳаммаси бўлиб 500 грамм экан. Унинг ёрдамида исталган абонент билан гаплашиш мумкин.

Аппаратингиз ёрдамида сунъий йўлдош сигнални ҳам қабул қилиш мумкинми? — сўраб қолди ўн ёшлар чамасидаги йигитча.

Албатта мумкин, — деди йигит ва соатиға қарали, соат стрелкалари 12 рақамнинг устига қелиб учарди. — 18 минутдан сўнг эшитсан, йигитча. Аппарат ҳозир маълум бўлишда, у автомат-телефон радиостанцияси билан боғланмоқда. Мана, у телефон тармоқлари билан ҳам боғланмоқда.

Ҳалиги ёш бола аппарат атаси узатган наущинини олиб қулоғига тутди. Оранда роса 18 минут ўтган, ҳаммага таниш бўлган — сунъий йўлдошнинг сигнали эшитилди.

Биз ҳикоя қилаётган йигит Леонид Куприянович — юқоридати янги, оригинал конструкцияли кўчма радиотелефоннинг конструктори эди. Ёш инженер яратган телефон аппаратининг ажойиб хусусияти шундаки, бирор киши билан гаплашмоқчи бўлсангиз, коммуторасиз автоматик равишда сизни керакли абонент билан шу заҳотлик боғлайди. Бундан ташқари шундай аппаратлардан бир нечтаси янги вақтда бир хилдаги қисқа ва уль-

Бўлажак архитекторлар



Дипломантлар хонасида В. Салов фотоси

Ўрта Осиё политехника институтини ҳар йили кўп тармоқли халқ ҳўжалигини учуи юзлаб олий малакали ёш мутахассис кадрлар ештириб бермоқда. Бу йил институтини 931 студент тамомлаб, мушариф ҳаётга йўллама оладилар. Улар беш йил давомида кўнг билан ўқиб, қурувчи, энергетик, кон қилувчи, архитектор ва бошқа мутахассисларни эгаллаганлар. Шу кўнларда институтда ҳаёт жўшқин. Битирувчи курс студентлари ишлаб чиқариш практикасидан қайтгандан бўйи диплом томаси устида астойдил ишламоқдалар.

Биз қурилиш факультетинида архитекторлар бўлими дипломантлари учун ажратилган хонага кирдик. Бўлимнинг 29 студенти деярли ҳар куни мана шу диплом залида эртадан-кечгача диплом проектини чизиб билан банд бўладилар. Хонага тартиб билан қўйилган қатор катта чизмақашлик столлари устига қалин оқ қоғоз қопланган махсус доскалар қўйилган. Ҳар бир ҳунарманднинг ўзига яраша асбоб-ускунаси бўлиндек бўлажак архитекторларнинг иш столига ҳам ичкетча, акварель бўёқлари, планшет, чизгич ва ҳоказолар турибди. Студентлар илмий раҳбар томонидан тасдиқланган проект эскизларини махсус оқ қоғозга жуда эҳтиётлик билан кўчирардилар. Архитектура жуда эҳтиётлик, аниқ чизиб, энг майда деталларини ҳам тўғри жойлаштириш, ҳуллас, моҳирликни талаб этади. Агар би-

рон сантиметр, ҳатто миллиметрга адашдингиз, проект бузилади. Дипломантларнинг ҳар бир ҳаракати, диққат ва эҳтиётлик билан ишлашлари архитектуранинг аша шу номи томонларини яхши билки олганликларидан далолат бериб турибди. Айрим диплом проеклари билан танидик. Студент Х. Ўбайдуллаев ўз диплом ишида Тошкентда қурилатган республика халқ ҳўжалик выставкасининг генерал плани ва пахтачиллик павильонини акс этдирган. У билан курсдош бўлган Л. Комиссарнинг диплом проекти ана шу выставка атрофида қал кўтаридиган кўп қаватли уй-йўл биланнинг ўз ичига олган. Проектда ифодаланган 4-5 қаватли кўп квартиралы уйлар солда ва кўркам, ортиқча ҳаншамларни учратмайсиз.

Кўпгина студентлар ўз дипломларини уй-йўй, меҳмонхона ва бошқа маданий-маиший муассасалар биналари проектини тузишга бағишлаганлар.

Архитектура бўлимининг дипломантлари ишлаб чиқариш практикасини Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказган эканлар. Студентлар «Моспроект» даги тажрибали архитекторлардан кўп нарсаларни ўргандилар. Бутунитиёқ қишлоқ ҳўжалик выставкасининг павильонларини синчиқлаб кўздан кеңирдилар. Бир ярим ойлик бу дипломалар практикасида тўпланган материаллар студентларга яхши ёрдам бермоқда.

Н. НАСИМОВ.

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми

ПЕКИН, 25 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдириди:

Бутун тушдан кейин Пекинда саясийини чақириқ ХБП Марказий Комитетининг 5-пленуми бўлди. Пленум ўртоқ Лиань Янот Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети раисининг ўринбосари, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийсий бюроси доимий комитетининг аъзоси қилиб, Ко Пин-ши, Ли Цань-цань ва Тань Чэнь-линь ўртоқлари Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари қилиб, Ли Фу-чунь ва Ли Сянь-нянь ўртоқлари Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзолари қилиб қўйилган равишда сайланди. Пленум Марказий Комитет аъзоларига қандаст бўлган Ян Сянь-чэнь ва Ван Зань-мао ўртоқларини Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзоларига кўчирди.

Пленум Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг назарида ва сийсий журнали «Хунцзи» («Қизил байроқ»)ни нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўртоқ Чэнь Бо-да «Хунцзи» журналининг бош редактори қилиб тайинланди. Журнал ойна икки марта чиқарилиши партияннинг ҳамма аъзоларини журналга ақтин ёрдам беришга чақирди, шунингдек, турли босқичдаги партия комитетларини журналда доим қатнашишга даъват этди.

Совет медицина мутахассислари юқумли касалликларга қарши курашда Покистонга ёрдам бермоқдалар

БАРАЧИ, 25 май. (ТАСС). Покистон матбуот ва инфомация департаментининг хабар беришча, Марказий ҳўкуматнинг солиқини сақлаш министри М. Хақ Шарқий Покистондаги Махасхали лабораториясига борган ва у ерда вабо ва чечак касалликларига қарши кураш соҳасида таъқиқот ишлари олиб бораётган совет ва америкалик медицина мутахассислари билан суҳбатлашган. Министр совет ва америкалик врачлар биргаликда иш олиб боришга қолмай, шу билан бирга ўз ишларида тааллуқли масалалар юзасидан фикр олиштирилганликларидан мамнун эканлигини билдирган.

Хабарда айтилишича, совет врачлари группасининг раҳбари улар таъқиқот ишларини тамом қилганларидан кейин янада ҳафтада иш-лоқларга жўнаб кетамажларини айтган.

Туркияда сув тошқини

АНҚАРА, 26 май. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, Чанкира районида кучли сел ёғиб, жуда кўп зарар етказган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 90 киши ҳалок бўлган, 135 киши ярадор бўлган, 300 уй ва 2 кўприк вайрон бўлган. Чанкира билан афр қишлоқлар ўртасидаги алоқа узилган.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёғи бина) — 27/В да Ганг дарёсининг қиз, 28/В да Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим.

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27 ва 31/В да Дилором, 29/В ва 1/VI да янги спектакль — рус тилида 4 парда 5 кўринишли Удубек операси.

«ИСКРА» (кишкни) — кундуз ва кечкурун янги кинокомедия Шоввоз солдат Швейк, кеч 8-40 минутда Янги аттракцион, 3-залда кундуз соат 3-50 минут ва кеч 11-10 минутда Сутчи Хилъя.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечкурун янги фильм-эртан Этик кийган Мушукнинг янги саргузаштлари.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкурун Шоввоз солдат Швейк, кеч 8-45 минутда Шоввоз солдат Швейк, кеч 10-40 минутда Ажойиб йанпанба.

«ХИВА» «УДАРНИК» — Шоввоз солдат Швейк.

«САЛЮТ» — Янги аттракцион.

ЮКЧИЛАР КЕРАК

Держинский кўчаси, 8-уй, 2-қават, 22-хонада «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашрий-тининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент область Қорасув райони, Қўйлик подстанциясида турувчи Римма Васильевна Строчкованинг, 2-линия, Батумская кўча, 2-линия, 12-уйда турувчи Константин Кириллович Строчковдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар. Киров район. 3-участка халқ судида қўрилади.

Бундай ҳамкорлик муносабатлари тарихда ҳали кўринмаган

Социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида Хитой матбуотининг бағанлари

ПЕКИН, 25 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдириди: Хитой Халқ Республикасининг матбуоти бутун ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашида қатнашувчи мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгаши социалистик лагерининг ҳаётида янги муҳим воқеадир. Бу кенаш социалистик мамлакатларнинг жисслиги доим мустақиллиги бораётганлигини назорат қилиб кўрсатади.

Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши, деб таъкидлайди газета, кенашда қатнашувчи мамлакатларнинг экономикасини юксалтиришга ашра ёрдам берди ва социалистик лагернинг кучларини беиҳоя оширди.

Газета ана бундай деб ёзди: Вьетнам, Хитой, Корея ва Мўғулистон ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг аъзолари бўлмасалар ҳам, улар Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагернинг улут оиласига аъзоларлар ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг ишчи қўллаб-қувватлайдилар.

Социализм лагеридан барча мамлакатларнинг халқлари, деб ёзди «Датунбао» газетаси, коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлигида социалистик мамлакатларнинг умумий юксалишига эришиш сари шахдам қадамлар билан олға бормоқдалар.

Римда фашистларнинг янги иғвоси

РИМ, 25 май. (ТАСС). Италия ҳўкумати ҳақосининг аъзоси бўлган фашистларнинг бир гуруҳи кеча Римда аҳудийларга қарши янги гуруҳлар қўштирди. Тонг отар пайтда, шаҳар кўчаларида ҳали ўткинчилар бўлмаган бир вақтда, фашист безорилар Римнинг аҳудийлар ашйалин маҳалласига боришлар ва Римнинг нацистлар томонидан ўлдирилган кишилар хотираси учун ўрнатилган хотира тахтасига лой сепадилар. Бундан ташқари, улар аҳудийлар ибодатхонаси деворларига фашизм руҳидаги шиорларни ёздилар.



Германия Демократик Республикаси, Берлиндаги «Электрон-Аппарат-Верке» заводи инструментал цехининг ишчилари тушги оқат пайтда учинчи совет Ер сунъий йўлдошнинг учирилганлиги ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Хессе фотоси (ТАСС фотохрони каси).

Дайди итларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1958 йил 18 апрель № 7

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилди:

1. Тошкент шаҳри доирасида (ҳарбий қисмлар ва МВД органларидан бошқа) айрим граждандар, фабрика ва заводлар, шунингдек бошқа ташкилотларга қарашли ҳамма итлар (қоровулчи, овчи, ўргатилган ва хонаки итлар), ёш ва зотларидан қатъи назар, 1 июндан 1 августгача мўддатдаги ветеринария қўриғидан ўтказилсин, амлансин ва рўйхат қилинсин. Текиришдан ўтган итлар учун уларнинг эгаларига паспортлар бериладди.

Касалликлари қараб рўйхатдан ўтказилмайдиган итлар эгалари қўлидан олиниши лозим. Бундан кейин итлар ҳар йили ўша мўддатда ветеринария қўриғидан ва рўйхатдан ўтказилсин.

2. Ит эгаларига қўйидаги мажбурийлик оқланади:

а) 1-мўдлада қўрсатилган мўддатда итларни рўйхатдан ўтказиш учун шаҳар ветеринария шифохоналарига келтирилсинлар. Янги сотиб олинган итлар веза 3 кун ичида рўйхат қилиниши ва амлансини лозим;

б) ҳовлида итлар фақат қалта занжирга боғлаб асралсин, кўчада эркин қўйилмасин.

а) кишиларни ва ҳайвонларни ит қопан тақдирда, ит шаҳар ветеринария шифохонасига олиб бориб кўрсатиш лозим: биринчи марта — кишини қопан кўннинг ўзиде, иккинчи марта — 14 кундан кейин. Шу билан бирга, бундай ит қочиб кета олмайлиган қилиб боғлаб қўйилсин ва ҳовлидан ташқарига олиб чиқилмасин;

г) итлари бирор ит қопан бонча итлар ва ҳайвонлар касал бўлиб қолса, дарҳол шу тўғрида шаҳар ветеринария шифохонасига маълум қилинсин.

3. Ветеринария назорати органлари итларни ветеринария қўриғидан ўтказиш ва амлан ишларини бепул бажариб, паспорт бўлмаган итлар учун паспорт бериш мажбурийати қолмасин.

4. Ҳамма граждандарга ва ташкилотларнинг раҳбарларига умумий фойдаланадиган жойларда (йўлак, айвон, ошхона, балконида), шунингдек корхона, мактаб, давлат мауссасалари ҳамда жамоат жойларида (парк, боғ ва бошқаларда) ит ва мушуклар асраш тақиқлансин.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

М. ТУРСУНОВ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари вази-фасини бажарувчи

А. ГОНЧАРОВ.

Франциядаги демократик кучлар исёнчиларга қарши чиқмоқдалар

ПАРИЖ, 25 май. (ТАСС). Корсикада ҳўкуматга қарши бўлган ўзгарш Франциядаги демократик жамоатчиликни қаттиқ ғазаблантирди. Бутун байрам кўни бўлишга қарамай, эрталабдан бошлаб партия, касба соҳа ва жамоат ташкилотларининг биналарида қўзғиш иш олиб боришди. Бир қанча ташкилотлар ўз аъзоларига мурожаат қилиб, уларни ҳеч қасрга жўнаб кетмасликка чақирдилар ва кўпуровчи кучларга қарши қатъий ҳаракат бошлаш учун доим тайёр туришга даъват этидилар.

Маориф ҳодимлари федерацияси ва ўқитувчилар миллий уюшмаси бутун эрта билан барча меҳнаткашлар билан биргаликда республикани ҳар қандай воситалар билан, ҳатто, умумий забастовка йўли билан ҳимоя қилишга тайёр эканликлари тўғрисидаги қўшма баёнотни эълон қилдилар. Улар ўз аъзоларини тоғт қўшиб бўлишга ва ҳаракат қилиб чиқиш учун доим тайёр туришга чақирдилар.

Француз авиациясининг Тунис территориясига ҳужумлари

ТУНИСДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

ПАРИЖ, 25 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Туниснинг иш-формация масалалари билан шуғулланувчи статс-секретариатнинг ахборотини эълон қилди. Бу ахборотта кўра, француз ҳарбий самолётлари бутун эрталаб Гемада райониға ҳужум қилганлар. «В-26» бомбардировкачилари ва ҳирути самолётлар, — дейилади ахборотда. — Жазири томондан кетма-кет пайдо бўлиб, Гемадалан шимолга томон 40 километр узунликтаги ва бир неча километр кенгликтаги территорияни бомбардировка қилмоқдалар ва ўқда тутмоқдалар. Ахборотда айтилишича, бомбардировка патизасида бир яморот ва санитария автомобиллари шинасланган. Ҳужум деярли тунгача давом этган.

Франс Пресс агентлигининг Тунисдаги расмий манбаъларга асосланган хабар беришча, Туниснинг бутун территориясига фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Туниснинг турли районларида намоёнчилар ўтказилиб уларнинг қатнашчилари француз қўшинларининг мамлакатдан дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб қилганлар.

27 МАЙДА

19.30. Рус тилида кичкин-тойлар учун «Расм чизини ўрганингиз» деган эшиттириш.

19.50. Киножўрнал. 20.00. Бадий фильм — «Эрипача» (ўзбек тилида).

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.